

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 09 куни жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди биносида очик суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ярашев, халқ маслаҳатчилари Н.Алимбекова ва Х.Махмудовалардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг ўринбосари Ш.Шукуров, судланувчи С.Илёсов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Тошқуловларнинг иштирокида,

2001 йил 10 июнь куни Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент шаҳар Сингапур менежментини ривожлантириш институти 4-босқич талабаси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, А.Навоий маҳалла фуқаролар йиғини, Усмон Носир кўчаси, 20-уй, 5-хонада рўйхатда туриб яшаган, иш бўйича ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 2024 йил 01 март куни ушланиб, 2024 йил 02 мартдаги туман судининг ажримига кўра, “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 08 июнь куни олган Илёсов Самандар Рустам ўғли (Ilyosov Samandar Rustam o'g'li)ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми ва 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айблаш ҳақидаги 1-1012-2403/246-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, йиғилган далилларга тегишлича ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи С.Илёсов 2024 йил 28 февраль куни соат 22⁰⁰ ларда, Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан Янгиҳаёт тумани ҳудудида қонунга ҳилоф равишда гиёҳванд моддалар билан муомала қилувчи шахсларни аниқлашга қаратилган тадбир давомида, Янгиҳаёт тумани, “Чортоқ” маҳалла фуқаролар йиғини, “Умид” кўчаси, 57^А-уй олдида ўзини шубҳали тутганлиги учун ҳолислар иштирокида шахсий тинтув қилинган вақтда унинг чап чўнтагидан 2 (икки) дона қора рангли ўрамлар ичида оқ рангдаги кукунсимон моддалар борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2024 йил 29 февралдаги № 861-сонли хулосасига кўра, ундан олинган модда таркибида



4-метилметкатинон моддаси мавжуд бўлиб, бу модда “мефедрон” деб аталиши, модданинг умумий оғирлиги 0,8 грамм (1-2-объектлар)ни ташкил этиши аниқланган.

Судланувчи С.Илёсов судда айбига қисман иқрорлик билдириб, у 2023 йил сентябрь ойидан буён ҳар ойда бир маротабадан гиёҳвандлик моддаси ҳисобланган “Мефедрон” моддасини истеъмол қилиб келаётгани, гиёҳванд воситасини “Kaban_shop” номли телеграм бот орқали ҳар граммини 50 АҚШ доллари миқдорида сотиб олишини, ушбу канал админи томонидан юборилган геолокация манзилидан олиб, истеъмол қилишини, 2024 йил 28 февраль куни ҳам “Мефедрон” моддасини истеъмол қилиш ниятида ўзига тегишли бўлган “Iphone 14Pro” русумли телефон аппаратида ўрнатилган “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали “Kaban_shop” номли бот админи билан боғланиб, ундан 30 АҚШ долларлик “Мефедрон” моддасини харид қилгач, бот админи унга ҳозирда ёдида бўлмаган пластик рақамини юборгани ушбу карта рақамига Сергели тумани, 5-метро бекати ёнида жойлашган “Paynet” қурилмаси орқали 450.000 сўм миқдори пулларни ўтказиб бергани, у пулларни ўтказиб бўлганидан сўнг бот 10-15 дақиқалардан сўнг унга сотиб олган “Мефедрон” моддаси сақланган жойнинг фотосурати ва геолокацияси манзилини келиб тушгач, ушбу манзилни текширганида Янгиҳаёт тумани “Чортоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида эканини кўргач, пиёда юриб геолокация манзилига бориб, гиёҳвандлик моддаси дарахт остига беркитилганини кўриб, ўзи ушбу моддани олган вақтида 2 дона изолентага ўралган ҳолатда бўлгани, ўзи ушбу ўрамларни очиб кўрмасдан шимининг чўнтагига солгани, шундан сўнг таниши Ж.Бахтиёровга қўнғироқ қилиб, уни Янгиҳаёт туманидан олиб кетишни сўрагани, Ж.Бахтиёров 25-30 дақиқаларда “Jentra” русумли автомашинасида етиб келгани, у таниши етиб келганидан сўнг унинг автомашинасига ўтириш мақсадида яқинлашаётган вақтида унинг ёнидан икки нафар нотаниш шахс унга қарама-қарши томонга юриб ўтиб кетгани, ушбу вақтда автобусдан бир неча ИИО ППХ ходимлари тушиб, улардан икkitаси унинг ёнидан ўтиб кетган икки нафар нотаниш фуқарони текширишга кетгани, ушбу автобуснинг ҳайдовчиси эса автобусдан тушиб унинг ёнига келгани, ўзи автомашинага ўтирганида, ушбу ППХ ходими ундан ёнида шубҳали нарсалар бор ёки йўқлигини сўраб, ёнини кўздан кечиришни сўраб, ёнидаги нарсаларини автомашинанинг устида чиқариб қўйишни таклиф қилганида, у шимининг чўнтагидаги нарсаларини автомашинанинг устига чиқараётган вақтида ёнидаги изолентага ўралган гиёҳванд воситаларидан бири ерга тушгани, иккинчисини эса ихтиёри билан автомашинанинг устига қўйгани, сўнггра эса ерга тушган гиёҳвандлик воситасини ҳам автомашинанинг устига олиб қўйгани, ушбу ППХ ходими қолган шерикларини ҳам уни ёнига чақириб, сўнггра Ж.Бахтиёровни ҳам ёнини кўздан кечириб, ўзини гиёҳванд воситалари ва бошқа буюмларини автомашинанинг устига қолдирилгани ҳолда ҳолисларни жалб қилиш учун унинг қўлини орқасига қилиб, пластмасса кишани асосида боғлаб, автобуснинг ичига киритиб қўйишгани, тахминан 20-25 дақиқалар чамаси



автобуснинг ичига ўтиргани, ИИО ходимларидан бири холисларни жалб қилган бўлса, қолган иккитаси ИИО ППХ ходимлари у гиёҳванд воситасини олган йўлнинг нариги томони тахминан 15-20 метрлар чамаси узоқликдаги ўтлоқ ва дарахтлар остларини қидиришга тушиб кетишгани, орадан 20-25 дақиқалардан сўнг туман ИИО ЖКБ ходимлари келишиб, даставвал унинг ёнидан чиққан автомашинанинг устида ўзининг ихтиёри билан ИИО ходимларига такдим қилган икки дона қора изолентага ўралган гиёҳванд воситасини расмийлаштириб олишиб, ушбу гиёҳванд воситасини қаердан қандай тартибда олганини суриштирганида, юқоридаги тартибда ўзининг истеъмоли учун олганлигини айтгани, олган дарахтнинг остини ҳам кўрсатгани, ушбу гиёҳвандлик воситаси дарахтнинг тагида очик ҳолатда турган бўлгани, ушбу жараёнда қўли кишанланган ҳолда бўлгани учун гиёҳванд воситасини олган жойини оёғи билан босгани ҳолда кўрсатган эканлигини, сўнгра ППХ ходимлари кўрсатган икки жойда ўтлоқ устидаги жами 18 дона кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини ИИО ЖКБ ходимлари расмийлаштириб олишгани, расмийлаштириш жараёнида ушбу гиёҳванд воситаларини унга тегишли эмаслигини ва илгари кўрмаганлигини билдирганлигини, ЖКБ ходими унинг ўзини ва Ж.Бахтиёровнинг қўл телефонини хужжатлаштириб олишгани, ушбу жараёнда геолокация манзили ҳам бўлгани, аммо кейинчалик тергов жараёнида кўздан кечиришганида геолокация манзили ўчирилганлигини, ҳар сафар гиёҳванд воситаси сотиб олганида, админ у гиёҳванд воситасини олиши биланок ўчириб ташлашини, ўзининг 18 дона кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситаларидан хабари йўқлигини, чунки ушбу гиёҳванд воситалари жойини кўрмаган эканлигини, унга админ томонидан юборилган манзил ва жойдан ташқари жойини кўрмаганлигини, 18 дона кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситасига унинг дахли йўқлиги сабабли ишнинг шу қисмини оқлашни, айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик берган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо чораси тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи С.Илёсов айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Гувоҳ Б.Юлдошев судда, Янгихаёт туман ИИО ФТБ ЖТСБ ППХ сафдор ходими вазифасида ишлаб келаётгани, 2024 йил 28 февраль куни кунлик жадвал асосида Янгихаёт тумани ҳудудига 2-босқичга шериклари Ф.Нуриддинов ва М.Махмудовлар билан биргаликда хизматга жалб қилинган, шу куни соат 22⁰⁰ ларда Янгихаёт тумани, Чортоқ маҳалла фуқаролар йиғини, Умид кўчаси 57^А-уй олдидан бириктирилган автобусда ўтиб кетаётганларида икки нафар фуқаро "Jentra" русумли автомашина ёнида тургани ва икки нафар фуқаро ўтиб кетаётганини кўриб, М.Махмудов билан биргаликда ушбу икки нафар нотаниш фуқарони ёнларини кўздан кечирганларида, уларда бирор-бир ноқонуний нарса ёки буюм аниқланмагани, шундан сўнг "Jentra" русумли автомашинасини ёнига борганларида, ИИО ходими Ф.Нуриддинов кейинчалик исмини билишича



С.Илёсовни ёнидан икки дона қора рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситасини олган бўлгани, шундан сўнг С.Илёсовни автобусга жойлаштириб қўйиб, туман ИИОга навбатчи ходимларга хабар беришиб, атрофни кўздан кечирганларида ўтлоқ ва дарахтлар остида иккита жойда кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситалари борлигини кўрганликларини, ушбу гиёҳванд воситаларига тегмаганликларини, шу орада икки нафар фуқароларни холис сифатида жалб қилганликларини, туман ИИОдан ЖҚБ ходими етиб келганидан сўнг ушбу холислар иштирокида ҳолат расмийлаштирилиб, дастлаб С.Илёсовнинг ёнидан олинган икки дона қора рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаси, С.Илёсов ва Ж.Бахтиёровнинг телефонларини ашёвий далил сифатида олишиб, сўнгра дарахтлар остидаги икки жойдан жами 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари ашёвий далил сифатида олингани, С.Илёсов ёнидан чиққан икки дона гиёҳвандлик воситасини сотиб телеграм ижтимоий тармоғидаги ботдан сотиб олганлигини айтгани ҳамда 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари топилган дарахтларга қарама-қарши яъни йўлнинг нариги томонидан тахминан 15-20 метрлар чамаси узоқликдаги манзилдан олганлигини айтгани, ҳолатни расмийлаштириш жараёнида 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини С.Илёсов ташлаб қўйганини ёки закладка қилганлигини кўрмаганликларини, С.Илёсовни ушбу дарахтлар остига бориб келганини ҳам кўрмаганликларини, уларнинг ёнидаги боди камераларининг қуввати бўлмагани сабабли ҳодисани бошланиш қисмидан узлуксиз видеога ола олмаганликларини, ушбу 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини ким топилган жойга қўйиб кетгани бўйича бирор-бир тахмини йўқлигини, С.Илёсов ёки бошқа шахслар томонидан ҳам қўйиб кетилган бўлиши мумкинлигини, ўзи ва М.Махмудовлар томонидан текширилган икки нафар фуқароларнинг шахсига аниқлик киритилмаган эканлигини, лекин улар ушбу ҳудуднинг маҳаллий аҳолисига ўхшатган эканлигини, ҳолатни расмийлаштириш жараёнида бирор-бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Т.Зиётов судда, у 2024 йил 28 февраль куни Янгиҳаёт тумани “Чортоқ” маҳалла фуқаролар йиғини, “Ибрат” кўчасидан ўтиб кетаётган вақтида, ИИО ходимлари уни ва А.Набиевларни ўзларининг розилиги билан холис сифатида жалб қилиб, "Jentra" русумли автомашинани олдиға олиб борганларида, ушбу автомашинанинг устидан икки дона қора рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини расмийлаштириб олишгани, ушбу жойда С.Илёсов ушбу гиёҳванд воситаларининг ёнидан ИИО ходимлари олишганини айтишгани, шундан сўнг С.Илёсов ва ушбу автомашинанинг ҳайдовчиси Ж.Бахтиёровларнинг қўл телефонлари ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олиниб, С.Илёсов гиёҳванд воситасини қандай тартибда олганлигини ва нима мақсадда ёнида сақлаб келгани сўралганида, у ушбу гиёҳванд воситасини телеграм ижтимоий тармоғи орқали сотиб олгани ва геолокация манзили бўйича олганлигини



айтгач, ИИО ходимлари ундан гиёҳванд воситасини олган жойини кўздан кечиришгани, сўнгра ИИО ходимларининг кўрсатувлари яъни йўлнинг иккинчи томонидаги тахминан 15-20 метрлар чамаси узоқликдаги ўтлоқ ва дарахтлар устидан икки жойдан жами 18 дона кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини расмийлаштириб олишгани, С.Илёсов ушбу гиёҳванд воситаларини илгари кўрмаганлигини ва ким томонидан қўйиб кетилганлигини билмаслигини айтгани, ҳолат видеоёзувларга олингани, расмийлаштириш жараёнида ИИО ходимлари томонидан бирор-бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини, улар холисликка жалб қилиниб, ҳодиса жойига олиб келинганларида С.Илёсов қўллари кишанланган ҳолда автобус ичидан олиб чиқилгани, расмийлаштириш жараёнининг охирига қадар унинг қўллари боғланган ҳолда бўлгани, ИИО ходимлари С.Илёсовни ёнидан қандай тартибда дастлаб икки дона скокга ўралган гиёҳванд воситасини олганидан хабари йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Мелибоев судда, Янгихаёт туман ИИО ФМБ ЖКБ тезкор вакили вазифасида ишлаб келаётгани, 2024 йил 28 февраль куни соат 22⁰⁰ ларда навбатчилик қисми Янгихаёт тумани Чортоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ИИО ППХ ходимлари томонидан гиёҳванд воситасини аниқланганлиги билдирилгач, ҳодиса жойига етиб боргани, шундан сўнг ППХ ходимлари томонидан жалб қилинган икки нафар холислар иштирокида автомашинани устида С.Илёсов томонидан тақдим қилинган гиёҳванд воситасини расмийлаштириб олгани, ундан ушбу гиёҳвандлик воситасини қаердан олганлигини сўраганида, телеграм ижтимоий тармоғи орқали ботдан сотиб олгани, пулларни пайнет орқали тўлагач кўрсатилган геолокация манзилидан келиб олганини айтгани, шундан сўнг ундан гиёҳванд воситасини олган жойини кўрсатишни сўраганида, у дарахт остини кўрсатгани, ушбу дарахт остида С.Илёсов кўрсатган жойни оёғи билан босиб кўрсатгани учун гиёҳванд воситасини ковлаб олгани ёки ковлаб олмаганига аниқлик киритила олинмаганлигини, шундан сўнг ППХ ходимлари кўрсатган ўтлоқ ва дарахтлар остида ҳам гиёҳванд воситалари борлигини айтишгач, икки жойдан 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари расмийлаштирилиб олингани, С.Илёсов ушбу гиёҳванд воситаларига дахли йўқлигини айтганлигини, С.Илёсовнинг телефони кўздан кечириб олиш жараёнида геолокация манзили бўлгани, тергов жараёнида телефондан геолокация манзилининг чиқмаганлик сабабларини билмаслигини, ҳақиқатдан ҳам С.Илёсов гиёҳванд воситасини олганини кўрсатган манзил ва 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари топилган жойнинг оралиқ масофаси 15-16 метрлар чамасини ташкил этишини, ППХ ходимлари С.Илёсовни 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаси олинган жой томонга борган ёки бормаганлигини билмаслигини, ҳақиқатдан ҳам у ҳодиса жойига етиб келганида С.Илёсов автобуснинг ичидан олиб чиқилгани, С.Илёсовни ўзи у чўнтагидан ўз ихтиёри билан икки дона қора рангли изолентага ўралган



гиёҳванд воситасини тақдим қилганлигини айтганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Нуриддинов судда, Янгиҳаёт туман ИИО ФТБ ЖТСБ ППХ сафдор ходими вазифасида ишлаб келаётгани, 2024 йил 28 февраль куни кунлик жадвал асосида Янгиҳаёт тумани ҳудудига 2-босқичга шериклари Б.Юлдошев ва М.Махмудовлар билан биргаликда хизматга жалб қилингани, шу куни соат 22⁰⁰ ларда Янгиҳаёт тумани, Чортоқ маҳалла фуқаролар йиғини, Умид кўчаси 57^А-уй олдидан бириктирилган автобусда ўтиб кетаётганларида икки нафар фуқаро "Jentra" русумли автомашина ёнида тургани ва икки нафар фуқаро ўтиб кетаётганини кўриб, Б.Юлдошев ва М.Махмудовлар биргаликда ушбу икки нафар пиёда нотаниш фуқарони ёнларини кўздан кечириш учун кетганликларини, ўзи эса "Jentra" русумли автомашинанинг ёнида турган ва уни келишини кўриб қолган автомашинага ўтираётган кейинчалик исмини билишича С.Илёсовга унинг ёнини кўздан кечиришни таклиф қилиб, ёнидаги нарсаларини чиқаришни сўраганида, С.Илёсов шимининг чўнтагидаги нарсаларини чиқараётган вақтида ёнидан бир дона қора изолентага ўралган гиёҳванд воситаси тушиб кетгани, иккинчисини эса автомашинани устига қўйгани, шундан сўнг ушбу ерга тушган гиёҳванд воситасини ҳам автомашинанинг устига олиб қўйгани, унинг ёнидан чиққан гиёҳванд воситаси эканлигини билганлигини, қолган шериклари етиб келгач, С.Илёсовни автобусга жойлаштириб қўйиб, туман ИИОга навбатчи ходимларга хабар беришиб, атрофни кўздан кечирганларида ўтлоқ ва дарахтлар остида иккита жойда кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситалари борлигини кўрганликларини, ушбу гиёҳванд воситаларига тегмаганликларини, шу орада икки нафар фуқароларни холис сифатида жалб қилганликларини, туман ИИОдан ЖКБ ходими етиб келганидан сўнг ушбу холислар иштирокида ҳолат расмийлаштирилиб, дастлаб С.Илёсовнинг ёнидан олинган икки дона қора рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаси, С.Илёсов ва Ж.Бахтиёровнинг телефонларини ашёвий далил сифатида олишиб, сўнггра дарахтлар остидаги икки жойдан жами 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари ашёвий далил сифатида олингани, С.Илёсов ёнидан чиққан икки дона гиёҳвандлик воситасини сотиб телеграм ижтимоий тармоғидаги ботдан сотиб олганлигини айтгани ҳамда 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситалари топилган дарахтларга қарама-қарши яъни йўлнинг нариги томонидан тахминан 15-20 метрлар чамаси узоқликдаги манзилдан олганлигини айтгани, ҳолатни расмийлаштириш жараёнида 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини С.Илёсов ташлаб қўйганини ёки закладка қилганлигини кўрмаганликларини, С.Илёсовни ушбу дарахтлар остига бориб келганини ҳам кўрмаганликларини, уларнинг ёнидаги бодю камераларининг қуввати бўлмагани сабабли ходисани бошланиш қисмидан узлуксиз видеога ололмаганликларини, ушбу 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларини ким топилган жойга қўйиб кетгани бўйича бирор-бир тахмини йўқлигини, С.Илёсов ёки бошқа шахслар томонидан ҳам қўйиб кетилган бўлиши мумкинлигини, ўзи ва



М.Махмудовлар томонидан текширилган икки нафар фуқароларнинг шахсига аниқлик киритилмаган эканлигини, лекин улар ушбу ҳудуднинг маҳаллий аҳолисига ўхшатган эканлигини, ҳолатни расмийлаштириш жараёнида бирор-бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини, 18 дона гиёҳванд воситасини айнан С.Илёсов ташлаб юборганини кўрмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ Х.Турсуналиев судда, Янгихаёт туман ИИО ФМБ ТБ терговчиси эканлигини, С.Илёсовга оид жиноят ишини у тергов қилганлигини, кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаси ва қора рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситаларининг ҳар иккаласи мефедрон эканлигидан келиб чиқиб, 18 дона кўк изолентага ўралган гиёҳванд воситаси ҳам унга тегишли эканлиги хусусида хулосага келгани, аммо С.Илёсов томонидан қолдирилган ёки закладка этилганини тасдиқловчи бирор-бир далил мавжуд эмаслигини, телефонини кўздан кечирганида бирор-бир гиёҳванд воситасини закладка қилишга хос бўлган ёки гиёҳванд воситасини олишга хос бўлган белгилари мавжуд эмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Бахтиёров судда судланувчи С.Илёсовнинг кўрсатувларига ўхшаш аналогик кўрсатув берди.

Судланувчи С.Илёсовнинг айби унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, билдирги, нарс ва буюмни олиш тўғрисидаги баённома, нарсани олиш ҳақидаги баённома, ҳодиса рўй берган жой чизмаси, тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, нарсани кўздан кечириш тўғрисидаги баённомалари, юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, кўрсатувлари судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Махмудовнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ҳамда ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан исботланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан С.Илёсовнинг ёнидан шахсий тинтув жараёнида 2 дона қора рангли ўрамлардаги 0,8 грамм “мефедрон” гиёҳванд воситасини ўтказиш мақсадида кўзламасдан қонунга равишда эгаллаш ва сақлаганлик сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 12-сонли Қарорининг 6-банди талабига кўра, гиёҳванд воситаларига қонунга зид равишда эгалик қилиши шахсан истеъмоли билан боғлиқ ҳолда ёнида сақлаши ушбу моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш сифатида, 8-банди талабига кўра, гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш қонунга хилоф равишда олиш сифатида баҳоланиши кўрсатилган.

Аммо, тергов органи томонидан эълон қилинган айбловда жиноий ҳодиса 2023 йил 28 декабрь куни содир бўлгани қайд қилинган бўлсада, иш



ҳолатларидан келиб чиқиб, 2024 йил 28 февраль куни содир қилгани хусусида ўзгартиришни лозим топади.

Суд, тергов органи томонидан С.Илёсов 8,2 граммга тенг бўлган 18 дона яшил рангли ўрамлардаги мефедрон гиёҳвандлик воситасини сотиш учун закладка қилгани сифатида ундан олинган икки дона мефедрон гиёҳванд воситаси билан ўхшаш модда бўлгани ҳамда миқдорлар бири-бирига яқинлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан айблаб барвақт хулосага келган деб ҳисоблайди.

Хусусан, тергов органи томонидан С.Илёсов томонидан ушбу гиёҳванд воситаларини закладка қилингани кўрган гувоҳ ёки далил аниқланмаган ва суд муҳокамасида ҳам ушбу хусусдаги гувоҳ ёки далил аниқланмади.

С.Илёсовни дастлаб шубҳаланиб ушлаган ИИБ ЙПХ ходими ҳам уни ушбу гиёҳванд воситасини закладка қилганини ёки икки жойда аниқланган 18 дона гиёҳванд воситаси аниқланган жойга борганини кўрмаганини билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, С.Илёсовнинг ёнидан ашёвий далил сифатида олинб, кўздан кечирилган “Iphone 14 pro” русумли телефон аппаратида ҳам уни гиёҳванд воситасини закладка қилганини тасдиқловчи бирор-бир далил аниқланмаган.

Бундан ташқари, ИИО ЙПХ ходимлари томонидан ҳодиса жойида 4 нафар фуқаро яъни С.Илёсов ва Ж.Бахтиёровдан ташқари яна икки кишини ёнини кўздан кечиришган бўлсада, ушбу икки нафар шахс томонидан ёки бошқа номаълум шахслар томонидан ушбу гиёҳвандлик воситаси закладка қилинган бўлиши мумкинлиги текширилмаган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ Сергели туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан тақдим қилинган маълумотномага кўра, Янгиҳаёт тумани ИИО ФМБ ЖТСБ ППХ ходимлари сафдор Б.Юлдашев ва М.Махмудовларга хизматда фойдаланиш учун бириктирилган 01 Р 04199 ва 01 Р0530 рақамли “боди” камераларини 2024 йил 28 февраль куни соат тунги 21⁰⁰ дан 02³⁰ га қадар бўлган видео ва аудио ёзувлари сервер хотирасидан кидирилганида ёзувларни сақлаш муддати ўтгани сабабли ҳеч қандай маълумот топилмаганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, судда сўралган гувоҳ Тошкент шаҳар ИИО криминалистика эксперти Қ.Ханазаров мефедрон гиёҳванд воситаларининг таркиби бир хил бўлишини, ушбу дори воситаларини қаерда ишлаб чиқарилганлигини аниқлаб бўлмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Қолаверса, судда кўздан кечирилган ашёвий далилларни расмийлаштириб олиш жараёни акс этган видеоёзувларда ИИО ФМБ ЖКБ тезкор вакили томонидан мазкур 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситасини олиш қоидаларига риоя қилмаган бўлиб, яъни мазкур изоленталардаги бармоқ изларини аниқлаши лозим бўлсада, ўзининг қўли билан олганлиги кўринади. Мазкур ҳолатда 18 дона кўк рангли изолентага



ўралган гиёҳванд воситасида бармоқ изларини аниқлаш имкониятини йўққа чиқарган.

Шунингдек, судланувчи С.Илёсов гиёҳванд воситасини олган деб кўрсатаётган жой ва 18 дона кўк рангли изолентага ўралган гиёҳванд воситасининг йўлнинг икки томонида бўлиб, оралиқ масофа 10-15 метрлар чамасини ташкил этади.

Бундан ташқари, С.Илёсовдан олинган ва ўзининг истеъмоли учун сотиб олганлиги кўрсатган гиёҳванд воситаси қора рангли изолентада бўлса, 18 дона гиёҳванд воситалари кўп рангли изолентага ўралган.

Бундай ҳолатда судланувчи С.Илёсов ёки бошқа шахс томонидан закладка қилинганини аниқлаш имконияти мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 28-моддасининг 2-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг 3-қисмида айбдорлик оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кўрсатилган.

Суд, шу боис судланувчи С.Илёсовни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан айби иш ҳолатлари батафсил текширилганидан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли оқлашни ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 3-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этишни ҳамда 18 дона яшил рангли ўрамлардаги мефедрон гиёҳвандлик воситаси билан муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун лозим бўлган жиноят иши материалларидан тааллуқли ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодекси 470-моддасининг 2-қисми тартибида Янгиҳаёт туман прокурорига юборишни ҳамда иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 8,3 грамм мефедрон гиёҳвандлик воситасининг тақдирини ҳал қилиш масаласи ҳам ушбу жиноят иши доирасида ҳал қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар” деб;

60-моддасида эса “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича: “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида: “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи С.Илёсовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, талаба эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиб, унга модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва манзил колонияларида ўтаттиришни белгилашни лозим топади.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2024 йил 23 апрелдаги 1001-сонли хулосасига кўра, судланувчи С.Илёсов гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланганлиги сабабли, унга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораларини қўллашлиқни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргач иш бўйича ашъвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 0,78 грамм мефедрон гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни белгилашни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича иш ҳолати акс этган бир дона дискни жиноят иши материалларига қўшиб сақлашни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Илёсов Самандар Рустам ўғли (Ilyosov Samandar Rustam o'g'li)нинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан айби иш ҳолатлари батафсил текширилганидан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли ОҚЛАНСИН ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 3-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин.

Илёсов Самандар Рустам ўғли (Ilyosov Samandar Rustam o'g'li) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисмининг



“а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил-колонияларда ўтатирилсин.

Тайинланган жазонинг муддати 2024 йил 01 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Илёсов Самандар Рустам ўғлига нисбатан Жиноят кодекси 96-моддасини қўллаб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жойларида гиёҳвандликдан (мефедрон) мажбурий тарзда даволаш тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 0,78 грамм мефедрон гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин;

-иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона “Iphone 14 pro” русумли телефон аппарати судланувчи С.Илёсовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

18 дона яшил рангли ўрамлардаги мефедрон гиёҳвандлик воситаси билан муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун лозим бўлган жиноят иши материалларидан тааллуқли ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодекси 470-моддасининг 2-қисми тартибида Янгиҳаёт туман прокурорига юборилсин ҳамда иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 8,3 грамм мефедрон гиёҳвандлик воситасининг тақдирини ҳал қилиш масаласи ҳам ушбу жиноят иши доирасида ҳал қилишини белгилансин.

Иш бўйича иш ҳолати акс этган бир дона диск жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, иш апелляция инстанцияси судида кўрилмай ҳукм қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

З.З.Ярашев

Халқ маслаҳатчилари

Н.Алимбекова

Х.Махмудова

